

АҚШда Қуръон маъноларининг Брайл алифбосидаги инглизча таржимаси тарқатилмоқда



12:36 / 13.03.2019 3022

Бу воқеа анча йил аввал рўй берди. АҚШнинг Техас штатида яшовчи Ёдира Сабот деган киши бундан 13 йил олдин Исломга кириб, мусулмон бўлади. Шундан бошлаб турмуш ўртоғи Нодира билан ислом дини ҳақида тўлиқроқ маълумот тўплашга ҳаракат қилишади. Уларнинг бу борадаги ягона муаммолари кўриш қобилиятларининг ожизлиги эди. Нодира озгина кўра олса-да, лекин бу китоб ўқиш имконини бермасди. Улар Қуръони каримнинг маъноларини Брайл алифбосида инглиз тилида таржима қилинганини қидириб топишга ҳаракат қиладилар, лекин бу уринишлари зое кетади.

Ниҳоят 2017 йилда улар Аллоҳнинг иродаси билан ўзлари Қуръони карим маъноларини қўлда ёзишни бошлайдилар. Саккиз ой деганда бу ишни ниҳоясига етказадилар. Кейинроқ уларни қўллаб-қувватлаб турувчи веб-сайт орқали Қуръони каримнинг маъноларини Брайли алифбосида нашр этишга эришдилар. Аллоҳнинг нусрати билан уларнинг бу ҳаракатлари ҳомийлар томонидан қўллаб-қувватланди. Натижада 150 та Брайл алифбосида тайёрлаган Қуръони карим нашрдан чиқи ва АҚШдаги 20 та масжидда кўзи ожиз бўлган мусулмонларга тарқатилди. Қўшимча равишда

кўриш қобилияти заиф бўлганлар учун махсус ўқув дастури ҳам тайёрланди. Ҳозир улар қўшимча равишда ҳар куни 2-3 ояти каримани Брайл алифбосида тайёрлаб масжидларга тарқатиб чиқишни режалаштирмоқдалар, деб хабар беради Rayleigh News ахборот агентлиги.

Islom.uz портали таҳририяти